ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КАСБИ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

2019 йил "18" декабрь 56/206 - сон

2020 йил учун Касби туман маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунининг (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) 18-моддасига асосан 2020 йил учун Касби туманининг маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари Касби туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунимаълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а)қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мулкларини ижарага беришдан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқлар мустасно.

б) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда туман бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишдан акциз солиғи;

– айрим товарларни чакана савдосидан бериладиган ҳуқуқ учун

йиғимлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

– автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар.

в) мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонунга асосан туман маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи гуруҳ (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар) ва иккинчи гуруҳ (иш ҳақига ажратма) харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ (бошқа) харажатлари тегишлилиги бўйича туман бюджетидан молиялаштирилади;

б) туман бюджетидан:

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. Касби туманини 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

5. 2020 йил учун туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги даромадининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

6. Туманнинг2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

7. Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ;

8. Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми 5-иловага мувофиқ;

9. Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

10. Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил учун заҳира жамғармаси миқдори 1501,2 млн. сўм миқдорида белгилансин.

Туман бюджетининг 2020 йил учун заҳира жамғармаси умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

Туман бюджетининг 2020 йил учун заҳира жамғармаси миқдори 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари(Б.Қурбонов), туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Жўраев) билан биргаликда заҳира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

11. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар тегишлилиги бўйича Халқ депутутлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифларига биноан, Кенгаш қарорларига асосан ишлатилиши белгилансин.

Бунда, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларнинг моддий-техникасини мустаҳкамлаш, кейинги навбатда уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва вилоятга ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёнларида кўзда тутилган тадбирларга, ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва аҳоли пунктларининг кўчаларини таъмирлашга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

12. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Қурбонов), чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

13. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар туман маҳаллий бюджетининг ижроси давомида шаклланган қўшимча манбаалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

14. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Қурбонов), туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Жўраев):

туман бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини,

ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

15.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари **(Б.Қурбонов)** бюджетнинг қўшимча манбааларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини,туман ҳокимлигининг веб-сайтига уларнинг натижаларини жойлаштирилишини таъминласин.

16.Вазирлик идораларининг шунингдек, туман ташкилот ва идораларининг туманда ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича тузилган йўл харитасига ҳамда йиғилиш баёнларига асосан туман бюджетининг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

17.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари **(Б.Қурбонов)** Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини тегишли туман Кенгашига киритилишини таъминласин.

18.Туман ҳокимлиги ахборот хизмати Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19.Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Б.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

20.Халқ депутатлари Касби туман Кенгашининг 2018 йил 29декабрдаги Х-1331/12-сонли қарори 2020 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21.Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси **Т.Мейлиев**

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қурбонов

Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ж.Юлдошев

Туман ҳокимлиги бош юрисконсульти в.б У.Хосиятов

Туман молия бўлими мудири М.Жўраев

Туман ДСИ бошлиғи в.б Х.Луқмонов

Қарорлойиҳасини тайёрлади Ш.Зиётов

Халқ депутатлари
Касби туман Кенгашининг
2019 йил «18» _____ даги
56/265 -сонли қарорига
1-илова

Касби туманининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Истеъмол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	104,1
2.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	100,5
3.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	102,3
4.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	102,5

Халқ депутатлари
Касби туман Кенгашининг
2019 йил «18» декабрь даги
56/282 -сонли қарорига
2-илова

Касби тумани маҳаллий бюджетининг 2020 йилги даромадининг прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ даромад	80 892 934,0
I.	Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад	36 780 080,0
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	36 780 080,0
	ажратма меёри	100,0
1.	маҳаллий бюджетга	36 780 080,0
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1 745 544,0
II.	Бириктирилган даромадлар	28 637 854,0
	Туманга бириктирилган	14 371 693,0
1	Ягона солиқ тўлови	4 366 366,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	782 093,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	4 960 827,0
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	58 236,0
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 154 171,0
6	Ижара тўловлари	50 000,0
	Вилоят ва туман бюджет ўртасида тақсимланадиган даромадлар	14 266 161,0
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	2 614 807,0
	ажратма меёри	100,0
	маҳаллий бюджетга	2 614 807,0
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 271 752,0
	ажратма меёри	100,0
	маҳаллий бюджетга	2 271 752,0
3	Юридик шахслар ер солиғи	6 337 424,0
	ажратма меёри	100,0
	маҳаллий бюджетга	6 337 424,0
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	30 400,0
	ажратма меёри	100,0
	маҳаллий бюджетга	30 400,0
5	Йиғимлар	3 011 778,0
	ажратма меёри	100,0
	маҳаллий бюджетга	3 011 778,0
III.	Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)	15 475 000,0
	Аҳоли сони (минг киши)	191 722,0
1	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	9 934 000,0
2	Мобил алоқага акциз солиғи	5 541 000,0
	Маълумот учун: 2019 йил параметр	
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	101 580 842,0
	ТРАНСФЕРТЛАР	20 687 908,0

Халқ депутатлари
Касби туман Кенгашининг
2019 йил «14» 11 2019 даги
56/226 -сонли қарорига
3-илова

Касби туманининг 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	101 580 842,0
1.	ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ	82 855 966,0
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	13 343 387,0
	- мактабгача таълим	7 483 416,0
	- умумий таълим	5 859 971,0
1.2	Соғлиқни сақлаш	40 740 510,0
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	2 365 754,0
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	985 738,0
	- спорт	1 380 016,0
1.4	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	26 366 055,0
1.5	Ижтимоий кўникма марказлари	40 260,0
2.	ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР	9 740 530,0
	шу жумладан:	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	1 046 524,0
2.3	Ободонлаштириш	5 320 583,0
2.4	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	333 128,0
2.5	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	2 264 773,0
2.6	Ветеринария қўмитаси	775 522,0
3.	МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ХАРАЖАТЛАР	0,0
4.	ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ	3 756 745,0
	шу жумладан:	
4.1.	Давлат бошқарув идоралари	3 756 745,0
5.	ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ	3 726 406,0
6.	ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ	1 501 195,0
7.	БОШҚА ХАРАЖАТЛАР	0,0
	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	80 892 934,0
	ТРАНСФЕРТ	20 687 908,0

Халқ депутатлари
Касби туман Кенгашининг
2019 йил «12» декабрь даги
06/206 сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Туман номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўлови
1	Касби тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари

Касби туман Кенгашининг

2019 йил «18» декабрь даги

56/206 -сонли қарорига

5-илова

Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми

(минг сўм)

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
Касби тумани	80 892 934,0	101 580 842,0

Халқ депутатлари
Касби туман Кенгашининг
2019 йил «18» декабрь даги
56/206 -сонли қарорига
6-илова

Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Туман номи	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
Касби тумани	20 687 908,0

Халқ депутатлари
Касби туман Кенгашининг
2019 йил «18» декабрь даги
56/206 -сонли қарорига
7-илова

Туман маҳаллий бюджетининг
2020 йил учун заҳира жамғармасининг миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
1	Касби тумани	**1 501 195,0**